

ҚЎЗИЛАР КОЛИИНФЕКЦИОН ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШДА ЯНГИ АНТИБИОТИКЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Д.М.Болтаев – магистрант, Х.А.Эсанов – ассистент

Асосий мақсад битта - яний ҳалқимизнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжларини тўла қондиришдир. Бу улкан вазифани бажариш мезонларидан бири чорва моллари сонини кўпайтиришдир. Маълумки чорва молларининг маълум бир қисми ҳайвонларда учраб турадиган юқумли касаллилар натижасида нобуд бўлиб кетмоқда. Шу жумладан ҳайвонларда учрайдиган, ҳозирги кунда ёш ҳайвонлар орасида колинфекцион касаликларининг даволаш ва олдини олиш, соғлом ёш кўйларни етиштириш, парваришқилиш, подани қайта тиклашнинг асосий муҳим муаммоларидан бири. Ҳозирча ёш ҳайвонларнинг колинфекцион касалликлари хўжаликларга иқтисодий зарар етказишни давом эттирмоқда. Наслчилик ишларига путур етказиб, подани тиклашда тўғанок бўлмоқда.

Ёш ҳайвонларнинг касалликлари орасида ёш ҳайвонларнинг колинфекцион ошқозон-ичак тизими касаликлари катта ўрин тутди ва Ўзбекистоннинг қатор хўжаликларида кенг тарқалган. Шундай экан ёш ҳайвонларнинг ошқозон-ичак тизими колинфекцион касалликларини олдини олиш ва қарши курашиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни такомиллаштириш ва комплекс диагностика усулларини ишлаб чиқиш ниҳоятда долзарб ҳисобланади.

Колибактериоз касаллиги ҳам чорвачилик ривожига катта иқтисодий зарар келтирмоқда. Янги туғилган ҳайвонларда то бир ойлик ёшга қадар колибактериоз касаллигига чалиниб 40-55% ҳайвонлар нобуд бўлиб кетмоқда, бу ҳол чорва сонини кўпайтиришга катта тўсиқ, катта ғов бўлмоқда. Қолаверса наслчилик ишларига салбий таъсир этмоқда. Шунинг учун чорвачиликка катта иқтисодий зарар етказадиган қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг колибактериоз касаллигини диагностикаси, даволаш ва профилактикасининг янги усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш, муҳим аҳамиятга эга.

Материаллар ва методлар. Биз тадқиқотларимизда касалликнинг олдини олиш вазифалари билан бирга ёш ҳайвонлар ошқозон-ичак тизими касалликларини даволаш усуллари ва воситаларини қўллашни мақсад қилиб қўйдик. Тадқиқотлар Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Ветеринария факультетининг «Ҳайвонларнинг юқумли ва инвазион касалликлари» кафедраси лабораторияси шароитида қоракўлчилик хўжаликларидан келтирилган патологик материаллардан ажратилган қўзғатувчиларни антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаш бўйича ўтказилди.

Қўзғатувчини соф културасини ажратишда Дригальский усулидан фойдаландик. Бунда гўшт пептон агаригани 5-6 дона Петри лиқобчаларига солинади. Биринчи муҳитнинг марказига бир томчи текшириладиган материал қўйилиб шиша шпатель билан муҳит юзасига суртилади. Шпательдаги қолдиқ материал иккинчи лиқобчага ўтказилиб муҳит юзасига суртилади. Охирги Петри лиқобчаларигача ўказилади. Кейинги лиқобча тунтарилиб термостатга қўйилади. Охирги лиқобчада алоҳида – алоҳида колониялар ўсиб чиқади, улардан танланиб таза озиқа муҳитларига экилиб соф культура ажратилади.

Ажратилган қўзғатувчини колибактериоз касаллигини даволашда ва олдини олишда фойдаландик. Сифатли антибиотикларни танлаш учун лабораторияда ажратилган соф културанинг антибиотикларга сезгирлиги аниқланилади. Колибактериоз қўзғатувчисининг антибиотикларга сезгирлиги уларнинг энг оз миқдордаги 16-18 соатда бактерияларнинг ўсишдан тўхталиши ёки ҳалокатга учраши билан аниқланади.

Тадқиқот натижалари. Тажрибалар колибактериоз касаллигига қарши 1-10 кунлик 12 бош қўзи колипротектин билан эмланди. Эмлаш учун шу хўжаликда учровчи қўзғатувчи, културасидан фойдаланилди.

Тажрибалар жараёнидаги кузатишлар 1-жадвалда қайд этилишича, сальмонеллалар ва ичак таёқчаси Энрофлораксин - 10 %, Саудия Арабистонининг «Montajat» заводида ишлаб чиқарилган препаратларига сезувчанлиги аниқланди.

Қўзиларнинг экспериментал колибактериозда антибиотикларнинг самарадорлиги

Т/р	Гуруҳлар номи	Препаратлар номи	Дозаси ва қўллаш услуби	Қўзилар бош сони	Қўзиларнинг сақланувчилиги (% ҳисобида)	Тирик вазнинг ўсиши (% ҳисобида)
1.	Қиёсий соғлом назорат	-	-	3	100	148,3
2.	Қиёсий юктирилган назорат	-	-	3	40	40,2
3.	Тажриба	Колмик Е	5 мл-1л сув билан	3	70	114,0
4.	Тажриба	Энрофлоркс 10%	5 мл-1л сув билан	3	95	132,5

Шу ўринда ичак таёқчаси Колмик-Е антибиотигига бироз кам сезувчанлиги тажрибада аниқланди.

Бизлар, хусусияти ўрганилаётган Энрофлорксацин – 10 % антибиотигини даволаш ҳамда касалликлардан профилактика қилиш мақсадида ҳам ўрганишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Профилактика қилиш мақсадида:

Энрофлорксацин – 10 % кенг таъсир доирасига эга. Антибиотик йирик шохли хайвонларнинг ўпка ичак инфекцияларини даволашда самарали таъсирга эга. Пастереллёз, микоплазмоз, пуллороз, колибактериозни даволаш ва профилактика қилишда самарали таъсир кўрсатади. Даволаш учун 3-5 кун давомида 1 л ичимлик сувига препаратни 0,5 мл, профилактика қилиш мақсадида эса 1 л ичимлик сувига 0,25 мл микдорида қўшиб суғориш усули билан қўлланилади. Энрофлорксацин қўлланилганда антогонистик самара кузатилмаслиги учун левомецетин, тетрациклин ва макролидларни тавсия этмаслик зарур.

Мазкур антибиотикларни сувга ва емга қўшиб берилиши қулай бўлиб, қўзиларда стресс юзага келмайди, маҳсулдорлик 20-25% га камаймайди (2-жадвал).

Нуработ туманида “Саҳоба Ота” қорақўлчилик акционерлик жамиятида колибактериозга қарши ишлатилган антибиотикларнинг самарадорлик кўрсаткичлари

Т/р	Гуруҳлар номи	Препаратлар номи	Дозаси ва қўллаш услуби	Товуқлар бош сони	Сақланувчанлик (% ҳисобида)
1	Тажриба	Колмик Е	5мл – 1литр сув билан	210	91,3
2	Тажриба	Энрофлоркс 10%	5мл – 1литр сув билан	250	100

Лаборатория илмий тадқиқот ишларнинг ижобий натижаларини Нуработ туманида “Саҳоба Ота” қорақўлчилик акционерлик жамиятининг 460 бош қўзиларнинг колибактериоз касаллигини профилактика қилиш мақсадида татбиқ этилди. Бунинг учун 2 та отар олинди улардан №1 отарда 3 кунлик 210 бошга колмик Е 5мл – 1 литр сув билан (1-чи гуруҳ) ва иккинчи гуруҳ №2 отарда жами 250 бош 3 кунлик қўзилар бўлиб уларга энрофлоркс 10 %-ли

антибиотикдан 5мл – 1литр сув билан 5 кун давомида ичирилди ва 10 кунлигигача яъни катта қўйлар гуруҳига ўтгунга қадар назорат қилинди.

Шундай қилиб, тажрибадаги қўйлар ва қўзиларда 20 кунлик кузатув шуни кўрсатдики, энрофлоксацин-10% қўлланилганда самарадорлик 90 фоизни, Колмик-Е қўлланилганда 70-80 фоизни ташкил этди.

Хулоса. Олинган натижалардан хулоса қилинганимизда энрофлоркс 10%-ли антибиотики колмик-Е антибиотикига қараганда қўзиларда колибактериозини профилактика қилишда самарадорлиги юқори эканлиги аниқланди.

Қўзиларнинг колибактериоз ва сальмонеллез касаллигига қарши даволаш ва профилактика ишларини ўтказишда, албатта ажратилган штаммларни антибиотикларга сезувчанлигини (антибиотикограммани) аниқлаш зарур. Бу эса яхши таъсир этувчи антибиотикларни танлаш, профилактика ва даволаш ишларини самарали ўтказишга ёрдам беради.

KOLASTRIOZ QO'ZG'ATUVCHILARINING BAKTERIOLOGIK VA BIOLOGIK TEKSHIRISH USULLARI

N.M.Matlabova – talaba, X.A.Esanov - assistent

Respublikamiz aholisining chorvachilik mahsulotlariga bo'lgan talabini yanada yaxshiroq qondirish Davlatimiz agrar siyosatining asosiy jabhalaridan biri hisoblanadi. Respublikamiz Prezidentining qator farmonlari va Vazirlar mahkamasining qarorlarida aholining chorvachilik mahsulotlariga bo'lgan talabini yanada yaxshiroq qondirish iqtisodiy hamda siyosiy masala deb ta'kidlanadi.

Qishloq xo'jaligi hayvonlarida uchraydigan turli yuqumli kasalliklar biri bo'lib gazli gangrena kasalligi xisoblanadi.

Ma'lum bugungi kungacha klostridiozlar barcha mamlakatlarda deyarli tarqalgan. Tarqalishining asosiy sabablaridan biri o'z vaqtida emlash ishlari va chorvachilik fermalarida sanitariya gigiyena holatlarini yaxshi tashkil etilmaganliklari sabab bo'ladi. Bundan tashqari epizootologik tekshirishlar, epizootik jarayonni aniqlashda qo'llaniladigan barcha tekshirish uslublari tushuniladi.

Klostridiozlardan *cl. Perfringens* mikroorganizmi chaqiradigan kasalliklar ko'proq ahamiyat kasb etadi. Bu mikroorganizmning har xil tiplari hayvon va odamda uchraydigan turli kasalliklar chaqiruvchisidir. Hayvonlarning xavfli shishida va odamning gazli gangrenasida, 60...80 % holatlarda A tipiga mansub yoki boshqa mikroorganizmlar bilan assosiasiyada *cl. Perfringens* mikroorganizmi ajratiladi. Hayvonlardagi xavfli shish sporadik holatlarda, ayrim paytlarda kasallikning to'satdan paydo bo'lishi ko'rinishida hamma joylarda uchrab turadi. Kasallikdan kelib chiqadigan iqtisodiy zarar katta emas.

Kasallik qo'zg'atuvchilarini bakteriologik usullarda patmaterial Kitt-Tarossi, qonli glyukozali Seyssler agarlariga ekiladi. 18-24-48 soat 37-38 °C da termostatda anaerob sharoitda o'stiriladi.

cl. septicum - Kitt-Tarossi muhitida intensiv loyqalanish, ko'p gaz hosil qiladi, Seysler agarida nozik, rangsiz, harir ro'molsimon, chetlari qirqilganday o'sadi. Koloniya gemoliz zonasi bilan o'ralgan.

cl. oedematiens – Probirka pastida intensiv o'sadi, 18-24 soatdan keyin bulon tiniqlashib, cho'kma paydo bo'ladi. Kam gaz hosil qiladi. Seyssler agarida kengish, ildizsimon, qatlamli, chetlari qirqilgandek, markazi bo'rtiq, qorong'ilashgan, kuchli gemoliz hosil qiladi.

cl. perfringens - Kitt-Tarossi muhiti ertaroq loyqalanadi, ko'p intensiv gaz hosil qiladi. Seyssler agarida yumaloq, silliq, bo'rtgan kulrang-yashil koloniyalar hosil qiladi, kuchli gemoliz.

cl.histolyticum - Kitt-Tarossi muhitida intensiv loyqalanish, gaz hosil qilmaydi. Seyssler agarida mayda, yumaloq, silliq, chetlari tekis koloniyalar o'sadi, gemoliz bo'lmaydi.